

Риёзус солиҳийн шарҳи / Ҳаё ва унинг фазилати ҳамда у билан хулқланишга одатланмоққа тарғиб қилиш ҳақида / 1474-ҳадис

1474 - وَعَنْ ابْنِ مَسْعُودٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: كَانَ نَبِيُّ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ إِذَا أُمْسَى قَالَ: «أَمْسَيْنَا وَأَمْسَى الْمُلْكُ لِلَّهِ، وَالْحَمْدُ لِلَّهِ، لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ وَحْدَهُ لَا شَرِيكَ لَهُ» قَالَ الرَّوَاي: أَرَاهُ قَالَ فِيهِنَّ: «لَهُ الْمُلْكُ، وَلَهُ الْحَمْدُ، وَهُوَ عَلَى كُلِّ شَيْءٍ قَدِيرٌ، رَبِّ أَسْأَلُكَ خَيْرَ مَا فِي هَذِهِ اللَّيْلَةِ، وَخَيْرَ مَا بَعْدَهَا، وَأَعُوذُ بِكَ مِنْ شَرِّ مَا فِي هَذِهِ اللَّيْلَةِ وَشَرِّ مَا بَعْدَهَا، رَبِّ أَعُوذُ بِكَ مِنَ الْكَسَلِ، وَسُوءِ الْكِبَرِ، أَعُوذُ بِكَ مِنْ عَذَابٍ فِي النَّارِ، وَعَذَابٍ فِي الْقَبْرِ»، وَإِذَا أَصْبَحَ قَالَ ذَلِكَ أَيْضًا: «أَصْبَحْنَا وَأَصْبَحَ الْمُلْكُ لِلَّهِ». رَوَاهُ مُسْلِمٌ [2723].

1474. Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

«Аллоҳнинг Набийси соллаллоҳу алайҳи васаллам кеч кирганда «Амсайнаа ва амсал мулку лиллааҳ, валҳамду лиллааҳ, лаа илааҳа иллаллоҳу ваҳдаҳу лаа шарийка лаҳ», дер эдилар.

(Ровий айтади) «Менимча, давомиди: «Лаҳул мулку ва лаҳул ҳамду ва ҳува ʔалаа кулли шайʼин қодийр. Робби, асʔалука хойро маа фии ҳаазиҳил-лайлати ва хойро маа баʔдаҳаа, ва аʔузуз бика мин шарри маа фии ҳаазиҳил-лайлати ва шарри маа баʔдаҳаа. Робби, аʔузуз бика минал касали ва сууʼил кибар. Робби, аʔузуз бика мин ʔазаабин фин-наари ва ʔазаабин фил қобр», дер эдилар».*

Субҳ кирганда эса «Асбаҳнаа ва асбаҳал мулку лиллааҳ»* деб, давомиди худди шуни айтар эдилар».

* Маъноси: «Биз ҳам, борлиқнинг мулки ҳам Аллоҳники бўлиб кеч киритдик. Аллоҳга ҳамд бўлсин, ёлғиз Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ, Унинг шериги йўқ. Мулк ҳам, ҳамд ҳам Уникидир, У Зот ҳар нарсга қодирдир. Роббим, мен Сендан бу туннинг яхшилигини сўрайман ва бу тундан кейинги яхшиликни ҳам сўрайман, ва бу

туннинг ёмонлигидан ва ундан кейинги ёмонликлардан ҳам паноҳ сўрайман. Роббим, мен Сендан дангасалик ва ёмон қаришдан паноҳ сўрайман. Роббим, мен Сендан дўзах азобидан ва қабр азобидан паноҳ сўрайман».

* Маъноси: «Биз ҳам, борлиқнинг мулки ҳам Аллоҳники бўлиб тонг оттирдик».

Имом Муслим ривояти.

Шарҳ: Бу уч ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам эрталаб ва кечқурун ўқиган ва асҳобларига ҳам ўқишни буюрган уч дуони кўрдик. Эрталаб-кечқурун ва тўрт фаслда Жаноби Ҳақнинг қудрати тажаллий қилган ажойиб манзараларга шоҳид бўламиз. Тонг, дунёнинг яратилишини, инсоннинг дунёга келишини, ҳамма нарсанинг бошланғичини тамсил қилади. Оқшом эса, дунёнинг йўқ бўлишини, умрнинг тугашини ва ҳамма нарсанинг охирини эслатади.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг тонгда ва кечда қилган дуолари унинг ҳаётга бўлган жиддиятини билдиради. Туни ибодат учун туриб юқоридаги оятларни ўқиб тафаккур қилиши, қуёш ва ойнинг тутилишига қараб қиёматни эслатишини тафаккур қилиши ббу дунёдаги ҳамма нарсага ибрат кўзи билан қараганлигининг далилидир.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг эрталаб ва кечқурун қилган дуолари, Аллоҳнинг лутфини, ёрдамини ва ўлгандан кейин Аллоҳга қайтишни, коинотдаги кўринган ва кўринмаган ҳамма нарсанинг эгаси Аллоҳ эканлигига далолат қилади. Шунингдек, асҳобига ҳам худди шу шаклда дуо қилишни тавсия қилиш орқали шундай дейишимизни тавсия қилмоқда;

Роббим! Менга нималар олиб келиши билинмаган бир кун ва туннинг бошидаман. Кеча ва кундузда ҳам ёмонлик ҳамда яхшилик бор. Яхшилик ҳам ёмонлик ҳам Сендан эканлигига иймон келтираман. Бу вақтлар ичидаги ёмонликлардан Сендан паноҳ тилайман. Ва яхшиликларингдан кўп-кўп беришингни сўрайман. Энг катта душманим бўлган нафсим ва шайтон мени чалғитади, ҳатто шайтон минг бир ҳийла қилиб, Сенга ширк келтиришимни хоҳлайди. Мени бу иккисидан сақла. Кучим етган ҳолда нафсимга бош эгиб сенга ибодатда танбаллик қилишим мумкин. Мени нафсимнинг ёмонлигидан сақла. Ва яна мени ўта қариб бошқаларга муҳтож бўлиб қолишдан, нима деганимни билмай нима қилганимни билмай қоладиган даражада ўзимни йўқотиб қўйишдан сақла. Мени жаҳаннамнинг азобидан сақла.



HADIS.ISLOM.UZ
NUBUVVAT MARVARIDLARI